

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№46-47 (7023-7024)
1999 йил 9 декабрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН УЧУН

Шу йилнинг 5 декабрь куни мамлакатимизда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Она диёримиз мустақилликка эришгандан бери иккинчи бор умумий парламент сайловлари ўтказилди. Навбатдаги сайловда Ўзбекистондаги бешта сиёсий партиялар вакиллари ҳамда мустақил номзодлар кураш олиб боришди.

Сайловлар эркин, адолатли ва ошкора тарзда ўтганлигини халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этяпти. Дарҳақиқат, Олий Мажлиsgа ўтказилган сайловларни Европа ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг нуфузли экспертлар гуруҳи кузатиб борди. Шунингдек, Ўзбекистонда фаолият кўрсатётган элчихоналар вакиллари ҳам вилоятларда ва бир қатор шаҳарларда бўлиб, сайловларнинг кенг демократик асосда амалга ошганлигини алоҳида таъкидладилар. Хуллас, халқимиз шу тариқа Ўзбекистоннинг озод ва обод бўлиши, унинг буюк келажак учун овоз берди.

Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ,
«Т.Ю» шарҳловчиси.



ЯНА БИР ЯНГИ КЎШИК

Яқинда Тошкент шаҳри Со-бир Раҳимов туманидаги истиқлолдан кейин қурилган энг янги мактаблардан бирида «Президент сайловига номзод» мавзусида кенгайрилган йиғин ўтказилди.

Мактаб. Мажлислар зали.

Бир қарашда ҳамма нарса эскидак.

Лекин, одамларда, мажлис иштирокчиларида ҳар бир чиқаётган нотиққа нисбатан муносабат янгича эди.

Шундан, минбар томон йўналган ҳар бир нотиқ ўз зиммасида ўзгача масъулият ҳис этарди. Фақат самимий маълум маънода эҳтирос-

ли нутқларгина мажлис аҳлининг гулдирос қарсақларига сазовор бўлди.

Яна бир янгилик, деворлардаги суратлар янгирилган эди. Энди деворлардан, биз маълум бир давр доҳий санаб келган зотлар эмас, халқ даҳосини ҳақиқий маънода, улуғ чўққиларга олиб чиққан улуғ сиймолар сирли боқиб туришарди. Улар ҳам гўё, «хўш, Президентликка кимни сайлайсизлар?», деяётгандай эдилар.

Нотиқлар кўп эди. Улар турли миллатга мансуб эдилар. Шунга қарамай нотиқларнинг барчаси Президентликка ягона бир номзодни - Ислоҳ Каримов номзодини тавсия

эдилар.

Биз бу номзодни қўллаб-қувватловчилар рўйхатини ёхуд айримларининг исми-шарифларини атай санаб ўтмадик. Чунки бу машваратда яна бир янгилик зоҳир эдиким, сирни очмоқ фурсати келди, чамаси. Мажлисда «Пан Тоға» гуруҳи ижодкорларнинг бир қисми ҳам иштирок этганди. Улар тайёрлаётган янги кўшиқ эса мажлис аҳлининг инъон-иҳтиёрини, муштарак мақсадини ўзида ифода этиши билан долзарб аҳамиятга эга эди, назаримизда. Мана ўша кўшиқ матни. Марҳамат, фикримиз бир жойдан чиқса ажаб эмас.

Дилноза ЯХЁ қизи,
Алишер Навоий номли
Нафис санъат
лицейи битирувчиси.

КИМНИ САЙЛАЙМИЗ?

Юрт шийпону идорасида,
Катта-кичик машварат, мажлис.
Бир муаммо эл орасида;
«Хўш кимни? Хўш, кимни сайлаймиз?»

Нақорат:

Зиёли-ю, ишчи-ю деҳқон,
Назариди биргина инсон.
Бир сўз янгарар мисли қасамёд:
-У сиз учун ягона номзод.
Гўзаллик ром этмас кимларни,
Аёллар банд айлар минбарни
Бу йил «узун» уларнинг тили,
Ҳар йил бўлсин Аёллар йили.

Нақорат:

Муаллим-у талаба, посбон

Назариди биргина инсон.
Ҳисобчи-ю раис, ҳосилот,
У сиз учун ягона номзод.
Ўзбекистон ободдир бугун,
Ўзбек халқи озоддир бугун.
Барча халқлар яшар кўнгли тўқ,
Истибоднинг асорати йўқ.

Нақорат:

Миру Тўра, Саид-у Эшон,
Назариди биргина инсон,
Ўрус, корейс, қирғиз-у қозоқ,
У сиз учун ягона номзод.
Сайла Сурхон ва Қашқадарё,
Сафда бугун ҳар овул, ҳар кент.
У - биринчи Президент!
Сайла, Хива, Қўқон, Бухоро,
Сайла, Нукус, Самарқанд, Тош-

кент.


Тарих - ҳақ! У - Президент!

ПАН ТОҒА



ERTANING KO'ZGUSIMIZ

Bizning sinf maktabda,
Sanalar ilg'or safda.
Birimiz zo'r hisobdon,
Ko'z olmaymiz kitobdan.
Fikrimiz naq chaqinday,
Oy ham bizga yaqinday.
Birimiz kashta tikib,
Gul solamiz entikib.
Birimiz-chi musavvir,
Bo'yoqda har-xil tasvir.
Shoirdirmiz birimiz,
Tildan tushmas she'rimiz.
Birlarimiz qishin yoz,
Tabiatga ishqiboz,
Biz-sinfda turfa rang.
Turli-tuman nur va rang.



Fan ko'kida porlagan,
Yuksaklikni chog'lagan.
Kamalakning o'zimiz,
Ertaning ko'zqusimiz.

Razzoq IBROHIM.

«ҚИШЛОҚҚА БОРМАЙМАН»

Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги қишлоқларга автобус қатнамагани учун таксилар «пишқириб» кира ишламоқда. У ҳам майли, тумандаги машина эгалари инсоф қилиб йўлқирани арзон қилсалар бўлармиди. Қишлоқдан шаҳарга чиқиш ёки бозорга бориш ҳозирги кунларда «пиёдалар» учун қийин бўлиб қолди.

Туманга ёки қишлоққа 100 сўм, ундан сал узоқроққа эса 200 сўм, ундан ҳам узоқроққа оғзиларига сиққанини айтадилар.

Азизим «Тонг юлдузи»! Раҳбар амакиларга илтимосимизни етказ.

Йўловчилар учун ҳеч бўлмаса битта автобус қатнаб турса, қишлоқда яшовчиларнинг узоғи яқин бўларди.

Мен Тошкентда туриб ҳамқишлоқларим аҳволига ачинаяпман. Мактабни битириб ўқишга кетганлар арзимаган шу йўл транспорти муаммоси деб ҳам ўз уйларига қайтмай, енгил ва фаровон ҳаёт истаб қоладилар-да!

Мутал ЁҚУБОВ,
ТошДУ журналистика
факультетининг 1-курс талабаси.



О'QI'SHGA MUHABBAT

Bizning maktabimizda katta kutubxona bor. U yerda rang-barang kitoblar o'rin olgan. Bizning 4-sinf o'quvchilari mana shu kutubxonaga a'zo bo'lgan. Bir kuni katta tanaffusda kutubxonaga kirdim. U yerda o'quvchi bolalar juda ko'p ekan. Iskandar, Javlon bilan kutubxonachi opamizga «Qaldorg'och», «Oltin olma, duo ol» kabi kitoblarning mazmunini so'zlab berayotgan ekan. Bir chekkada Bahrom «G'uncha»ni

varaqlab o'tirardi. Elshod ham o'qigan kitobini mazmunini gapirib berish uchun navbat kutib o'tirgan ekan. Mana, ko'rdingizmi, tengdoshlar bizning bolalar, sinfdashlarimiz o'qishni, kitoblarni juda sevishadi. Siz-chi, siz ham kitob o'qishni yaxshi ko'rasizmi?

Dilshoda,
*Hamza tumanidagi
206-maktabning
4-sinf o'quvchisi.*

«OMAD» GURUHI

Biz sinfimizda to'rt o'quvchudan iborat «Omad» deb nomlangan guruh tuzdik. Unga a'lochi o'quvchilar jalb qilingan. Guruhimiz o'qishda yaxshi o'zlashtirmaydigan o'quvchilarga yordam beradi. Sinfimiz a'lochi o'quvchilari ya'ni Sardor, Asror va Jasur va Eldorlar she'r yozishga juda ham qiziqamiz. Yozgan yangi she'rlarimizdan ustozlarimizga o'qib berib, ularni hursand qilamiz.

Bu meningcha juda iqtidorli guruh. Chunki bizni hamma ustozlarimiz yaxshi ko'radi. Biz o'quv yili oxirigacha shunday ahil va inoq bo'lishga bir-birimizga so'z berdik.

Sardor MAHKAMOV,
*Chilonzor tumani,
232-maktabning 4-sinf
o'quvchisi.*

«OQ OLTIN» XIRMON-XIRMON

*Oq oltin b'libdi xirmon va
xirmon
K'kka b'yi b'zibdi ulkan tog'
misol.
Deh'qonning orzusi ushaldi
shu on,
Xosilin beribdi, sen ekan
nihol.*

Gazetamizning oldingi sonlarining birida «Ilk terim» nomli maqolam chop etilgan edi. Unda birinchi marra paxtazorga chiqqanimda pайdo b'lgan xаяjon, tabiat manzaralari haqida e'zgan-dim. Mana bugun esa ana shu mavsum yakunlandi. X'ush, bizning maktabdoshlarimiz bu ulkan xirmonga qanday hissa k'ushdilar?

Авваломбор бу ишда бизга устозларимиз урнак b'ldilar. Шуҳрат Мавлонов бошчилигидаги устозлар бригадаси, яъни Шарифа Орипова, Шарофат Шомаҳмудова, Уғилой Ҳамроқулова, Мавлуда Қаҳҳорова, Ойдин Ҳамроева, Мар-

хабо Норова каби ўқитувчиларимиз 100 килограмдан ортиқ оппоқ пахталарни териб, бизнинг гайратимизга-гайрат к'ushдилар.

Биз билан биргаликда пахта терган колхозчиларнинг хирмонлари ҳам анчагинани ташкил қилди. Бу мавсумда 11-синф ўқувчилари илғорликни қўлдан бермадилар.

Биз 8-синф ўқувчилари ҳам орқада қолишни истамадик. Айниса, дўстларим Бахтиёр, Аҳрор, Камола, Ирода, Гўзал, Насиба, Фотималар тенгдошларига намуна b'ldilar. Уларга ҳаманинг ҳаваси келди.

Даланинг очиқ ҳавосидаги ҳаракатларимиз бизнинг ўқишимизга ижобий таъсир қилди.

Латофат НАЗАРОВА,
*Бўка шаҳар, 1-мактабнинг
8-синф ўқувчиси.*

ЗАНГ КАСАЛТИ

Ўчоққа тўнтарилган қозоннинг тагида олов лов-лов ёнади. Шўрваси милт-милт ёнаётган қозон эса ундан ҳайрон:

-Шеригимнинг ичини нега куйдирыпсан?-дейди оловга.

-Ишламай бекор ётаверганидан занг касалтига мубтало б'лган экан. Куйдириб даволяпман,- деди олов ўчоқдан қип-қизил тилини чиқариб.

КИМНИНГ ОРҚАСИДА?

-Гугурт чақишса дарров ёнасан. Чўгинг ҳам тез кулга айланади. Менинг чўгим ярқиллаб, печкани узоқ вақт қиздириб туради,- ўтинга гердайдди тошкўмир.

-Тошдек қаттиқлигиндан гугурт сени ёқишга ожиз. Мени эса осонгина ёқиш сенга ҳам яхши эмасми?! Тўғри, тафтим сеникидан оз, муддати қисқа. Барибир шу тафтим орқали аланга оласан. Агар мен ҳаракат қилмасам тошдек қотиб ётаберасан. Мақтанишинг кимнинг орқасидан, ўйлаб кўр.

ФАНИ АБДУЛЛАЕВ

ТИНЧЛИК-ДУНЁ ОРЗУСИ

Уруш халқимиз бошига қандай кулфат, азоб-укубат келтириши мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ўзбекистон халқи ҳаётимизнинг энг муҳим тамойилларига оғишмай амал қилиб келди ва бу йўлда қатъий туради. Бу йўл - тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик йўлидир. Барча кўшни мамлакатлар, барча давлатлар билан амалий ҳамкорлик йўлидир.

Ислом Каримов.

Ўқигандик китобларда, ёд олгандик йиғинларда. Кўравериб киноларда, кўрқар эдик урушлардан. Урушлар тарих танасидаги жароҳатлардир. Ҳақли маъноси ҳам шу. Донишмандларимиз фикрини давом эттирсак, яна бир фикр. Тақдирга уруш учраган авлод-умр б'йи унинг юкини кўтаради.

6-синф ўқувчиси қизим - Хуршидахон алабиёт дарслигида ўтилган Эркин Воҳидовнинг «Нидо» достонини ҳали ҳануз такрор ва такрор ёдлаб юради. Достон ёзилганига кўп йиллар б'лган бўлса-да ҳар бир ўқувчининг онгида, ҳаётида замонга шукроналик, элига садоқат, ота-онага ва юртга муҳаббатни улуглайди. Синфдаги уйку босиб ўтирган қолоқ ўқувчини ҳам фикрлашга, ҳаётга теран кўз билан қарашга ва юртдан фахрланиш туйғусини оширади. Юртимиз тинчлиги ҳозирги кунда дostonдагидек нотинч эмас. Болаликнинг беғубор кўчалари, юртимиз чиройи ҳаёлда эмас, ҳаётда бўлаётганлигидан мамнунлик ҳиссини орттаради.

Достондаги ҳаяжонли, болалик-

нинг соғинч дардлари, болаларча самимий савол-жавоблар шоирнинг маҳорати, таассуротларини кўз ёшларсиз ўқиб б'лмайди.

*Хол ака қайтганда уйга тўсатдан,
Ўғли дадажон деб чопиб келибди.*

Ота қучай деса қўли йўқ экан

Мен бу китобни ўқидим.

Турган жойида йиғлайверибди.

Уруш пайтида орзу умидлар, боғлар, чангалзорга айланади. Шукрлар б'лсинким, бизнинг болалигимиз ота-онамиз бағрида гул чамандай очилиб турибди. Фалакда учаётган оппоқ қушлардек орзуларимиз ойдин. Болаликнинг ҳар бир кўчаси имкониятга, бахтга тўлиқ. Зотан бутун дунё болалари эмас, катталари ҳам тинчлик орзусида яшайди.

Маъмура МАДРАҲИМОВА.

КўП ЎЙЛАДИМ, БАРИБИР ЁЗДИМ

Хафтанинг биринчи кунда биз синф ўқувчилари ўқитувчимизни бир оз ранжитиб кўйдик чунки топширилган уй вазифасида ҳеч кимда жавоб таёр эмас эди. Бизнинг дангасалигимизми, бепарволикми, хуллас бу ишимиздан ўқитувчимиз кўп ранжидилар. Кайфиятлари тушган ҳолда қатъий оҳангда янаги дарсга бу саволга ҳаммада жавоб б'лсин, деб

Ислом Каримовнинг асарлари асосида таёрланган «Баркамол авлод орзуси» китобини қизиқиб ўқиб чиқдим. Китоб жуда чиройли, аниқ донишмандлар фикри билан тўлдирилган. Ҳеч қандай ўқувчини бефарқ қолдирмас экан. Муалифларнинг бу китобиде биз ўқувчи ёшларга ҳам қарата айтилган сўзлари мени ҳаяжонлантирди ва янаям кўп китоб ўқишга ўзимга ваъда бердим.

Кейинги ҳафтада бўладиган ушбу дарсимизга менда жавоб тайёр. Ҳар ҳолда 6-синфда миллат ҳақида озгина тасаввурга эга бўлдим. Миллат дегани -бир сўз билан айтганда, маънавият белгиси экан. Мен яна миллатимиз ҳақида, юртимиз ва келажак ҳақида кўп билимларга эга бўлишни хоҳлайман. Бу дарсликдан кўп орзулар ва умидларни кутиб қоламан.

Хуршида БОЙМИРЗАЕВА,
*Тошкентдаги 248-мактабнинг
6-синф ўқувчиси.*

янги дарсни бошладилар.

Янги ўқув йилидан бошлаб дарслик сифатида ўтилаётган Ватан туйғуси дарси ҳар қандай ўқувчини билими пухта, элига б'лган муҳаббатни мустаҳкамлашда зўр омил эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Худди шу саволга жавоб ёзишда уй кутубхонадаги китоблардан фойдаландим. Чунки китобда ўтмишни ҳам, келажакни ҳам кўриш мумкин экан.

Диққат, конкурс: XXI аср фани бўйича

“ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИНИНГ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

8 - ДАРС

СОҶА ВА ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШУВ

Ишлаб чиқаришнинг тараққиёти натижасида, баъзи бир маҳсулот турларини яратиш жараёни ҳам мураккаблашиб боради. Битта корхона миқёсида бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг иложи бўлмай қолади. Шу сабаб, корхоналар ўртасида бу маҳсулотни яратиш жараёни, яъни иш ўзаро тақсимлаб олинади. Натижада корхоналар ўртасида меҳнат тақсимоти юз бериб, улар бир бутун маҳсулотни эмас, балки унинг маълум бир қисмини ишлаб чиқаришга мослашишади, яъни ихтисослашишади.

Шу тариқа бир неча корхоналардан иборат, муайян маҳсулотни ишлаб чиқарувчи тармоқ вужудга келади. Мисол тариқасида, автомобиль ишлаб чиқаришни олайлик. Маълумки, автомобиль юздан ошиқ катта-кичик деталлар, қисмлардан ташкил топган. Унинг битта деталли, масалан, резина филдираклари битта корхонада ишлаб чиқарилса, ойнаси иккинчи корхонада, мотори эса учинчи корхонада ишлаб чиқарилади ва ҳоказо. Хуллас, автомобиль қисмларини ишлаб чиқариш билан ўнлаб корхоналар шуғулланади. Охири йиғув корхонасида бу қисмлардан автомобиль йиғилади. Шу тариқа бу корхоналар биргаликда автомобиль ишлаб чиқариш тармоғини ташкил қилишади ва ҳар бири маълум детални ишлаб чиқаришга ихтисослашади.

Корхоналарнинг маълум бир маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича битта тармоққа бирлашиши ҳам охири оқибат меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган бўлади.

Ўз навбатида бир-бирига яқин турдаги маҳсулот ишлаб чиқараётган тармоқлар бирлашиб, ишлаб чиқаришнинг йирикроқ тармоқларини, улар ҳам ўз навбатида бирлашиб ишлаб чиқариш соҳаларини ташкил қилади. Масалан, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик тармоқлари биргаликда қишлоқ хўжалигини, автомобилсозлик, тракторсозлик, самолётсозлик, станоксозлик биргаликда - машинасозликни, енгил ва оғир саноат бирлашиб саноатни ташкил қилади. Ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо, маиший хизмат, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳалари киради.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларда қандайдир моддий нарсалар, неъматлар яратилса, транспорт, савдо, маиший хизмат, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳаларида турли-туман хизматлар кўрсатилади.

Баъзида шарт-шароит, анъаналар, маҳаллий зарурат туфайли бир бутун ҳудуд ҳатто мамлакатлар ҳам, кўпроқ маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга мослашишади (ихтисослашишади).

Масалан, табиий шароит қўл келганлиги учун, Ўзбекистонда кўпроқ пахта, Бразилияда - кофе, Ҳиндистонда - чай етиштирилади. Кувайт ва Саудия Арабистонида нефть захираларининг кўп бўлиши, бу давлатлар иқтисодиётининг нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослашувига сабабчи бўлди. Японияда эса аксинча, табиий ресурсларнинг, фойдали қазилмаларнинг деярли йўқлиги, бу давлат иқтисодиётини кўпроқ ақлий меҳнат ресурсларини талаб қиладиган мураккаб электроника ва автомобиль саноатига оид маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашувига олиб келди.

8 - ТОПШИРИҚ

СОҶА ВА ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШУВ

1. Жумлани тўлдириг.

Корхоналарнинг маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича битта тармоққа бирлашуви охири оқибат _____ га қаратилган бўлади.


2. Қуйида келтирилган ишлаб чиқариш тармоқларини мос соҳалар билан бирлаштириг.

саноат
қишлоқ хўжалиги
маиший хизмат

иситиш тармоғи
автомобилсозлик
овқатланиш
боғдорчилик
туқимачилик
самолётсозлик
чорвачилик
коммунал хизмат

3. Ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаларини ёзинг

Ишлаб чиқариш



4. Маълум маҳсулот турини ишлаб чиқаришга кўпроқ ихтисослашган ёки бу билан донғи кетган мамлакатларни ва маҳсулот турларини бирлаштириг.

Бразилия
Ўзбекистон
Ҳиндистон
Япония
Саудия Арабистони
Кувайт
Куба
Шри-Ланка
Вьетнам
Италия
Франция

автомобиль
шакар
электроника
нефть
атир-упа
пахта
чай
гуруч
макарон

5. Қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишли қандай тармоқларни биласиз?

Жавоб:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____
7. _____
8. _____
9. _____

6. Ишлаб чиқаришнинг қайси соҳаларида моддий неъматлар ишлаб чиқарилади, қайси соҳаларида неъматлар кўрсатилади? Аниқлаб мос катакларни туташтириг.

Моддий неъматлар яратилади

саноат	қишлоқ хўжалиги	қурилиш	транспорт	савдо	маиший хизмат	маориф	соғлиқни сақлаш
--------	-----------------	---------	-----------	-------	---------------	--------	-----------------

хизматлар кўрсатилади.

7. Маълум маҳсулот турини ишлаб чиқаришга кўпроқ ихтисослашган республикамиздаги ҳудудларни ва маҳсулот турларини бирлаштириг.

Хоразм
Бухоро
Андижон
Қашқадарё
Навоий
Сурхондарё

нефть
газ
гуруч
қоракўл
тилла
ипак пахта
автомобиль

8. Қуйидаги жумлалар рост бўлса, мос катакларга “Р”, ёлгон бўлса “Ё” ҳарфларини қўйинг.

1. Туқимачилик оғир саноат тармоғига киради
2. Баъзи давлатлар табиий шароитлар қўл келганлиги сабабли, маълум маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисослашади
3. Корхоналарнинг муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш тармоғига бирлашуви меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади.
4. Маҳсулот турларини яратиш жараёнининг мураккаблашуви корхоналарнинг ихтисослашувига олиб келди.

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).

Мулоқот учун телефон: 139-49-32, 139-19-16. Факс: (371) 139-48-23.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг 1999-2000 йилги мавсуми лойиҳа муаллифлари - фан номзодлари Эргашвой Сариқов ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланди. Бу йилги конкурс билан бир қаторда яна уч йўналиш бўйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилади:

I йўналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси

II йўналиш: Энг яхши бизнес режа лойиҳалари конкурси

III йўналиш: Энг яхши рекламалар конкурси

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсининг ўзгачагина ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб боришлари шарт.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсига оид дарс материаллари ва топшириқлари ҳар ҳафта газета орқали бериб борилади. Сиз дарс материалларини ўрганиб чиқиб, топшириқларни бажариб жавоб йўллашингиз зарур бўлади. Топшириқ шартларини газетадан кўчириб олишингиз ёки ундан ксероксда нусха олиб, тўлдириб жўнатишингиз мумкин. Шунингдек, топшириқни бевосита газетадан қийиб олиб тўлдириб йўллашингиз ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромгоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс голибларини телевизор,

магнитофон,

аудио-плеер

каби қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Қолган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиламиз. Кичик конкурс голиблари учун ҳам алоҳида махсус совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилаётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувчан, тиришқоқ ва ижодий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиламиз.

Омад сизга ёр, билим мададор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари

УЧАР ОШҚОВОҚЛАР



Мана, 15 йилдирки, АҚШ-да йилда 2 марта ўзига хос халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Бу беллашувда ошқовоқни узоққа итқитган одам голиб деб топилади.

Мусобақада иштирок этувчилар ҳам анойи одамлар эмас. Улар орасида ўта ақллилар ҳам, ниҳоятда айёр кишилар ҳам анчагина. Даъвогарлар шахсий томорқасида етиштирилган ошқовоқни узоқроққа "учириш" учун

нималарни ўйлаб топмайдилар дейсиз.

Делавэр ва Иллинойс штатларида 2 кун давом этадиган ошқовоқ-снарядлар мусобақасини кўриш учун минглаб одамлар томошагоҳларга

тўпланадилар. Уларнинг кўнгилларини сархуш этиш учун ошқовоқчи деҳқонлар шаклу шамойили фаройиб-ажойиб ошқовоқлар етиштиришади. 1997 йили бир ишқибознинг итқитган ошқовоғи снаряддан ҳам узоқроққа - 1130.27 метрга учган. Бу - рекорд натижа!

Америкалик ишқибозлар шу кунларда навбатдаги мусобақага ҳозирлик кўришмоқда.

ПАШША ЧАҚИШИДАН БЕТОБ БЎЛГАНЛАР

Африка мамлакатлари аҳолиси орасида "уйқучил" касаллигига дучор бўлганлар сони ортиб бормоқда. Бу ҳасталик билан агар 1974 йили Анголада бор-йўғи

3 киши оғриган бўлса, бу йил уларнинг сони уч юздан ортиб кетди.

Бутун Дунё Соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарига кўра ўлим билан якунланувчи бу касаллик пашша чақиши оқибатида пайдо бўларкан. Далаларда ишловчилар, дарёлар соҳилида кир ювадиган кишилар бу дардга кўпроқ мубтало бўлишмоқда.


Пашша чаққан одамлар тунлари сира ухлай олишмайди, шу сабаблари кундузлари мудраб юришади ёки ухлаб қоли-

шади. Касалликни кўзғовчилар марказий нерв тизимини, кейин бош мияни ишдан чиқаради. Шу тарика одамда руҳий мувозанат бузилади, ақлий заифлик юзага

келади. Охиروқибатда бемор бевақт нобуд бўлади.

Пашша чаққан бемор даволаниши учун Анголада 90 доллар керак. Оддий кишилар бунча маблағни топиши амри маҳол.

Дарвоқе, пашша кичкина жонивор бўлса ҳам ҳар қалай, қаноти бор! У - худуд билмайди. Халқимизда "балодан-ҳазар" деган нақл бор. Сизни пашша ва чивиндан сақлашни, улар кўпайишига йўл қўймасликка чақирамиз!



АЁЛЛАР РАҲБАР БЎЛСА...

Халқаро иқтисодий кузатувчилар галати хулосага келишди. "Фирмалар ва компанияларга эркалар эмас, аёллар раҳбар бўлиши керак". Негаки кузатишлардан маълум бўлдики, аёл бошлиқ бўлган фирма ва компания эркак бошқарган фирма ёки компанияга нисбатан 1.5 фоиз кўпроқ фойда оларкан.

Аёлларнинг тadbиркорлиги ёки уларнинг синчовроқ, эътиборлироқ ва "пишироқ" экани боисми - ҳар қалай мана шундай экан. Буни сезган иқтисодчилар орасида сўнги



4 йил ичида аёллардан раҳбар тайинлаш 40 фоизга ортган.

Ҳа, қизлар! Дадил ишга киришаверинг. Сиз албатта бошлиқ бўласиз.

ЭНГ БАЛАНД АРЧА



Вилогас телеминорасида арча ясатилган. Унинг бўйи 326.47 метр. У 1980 йилда қурилган. 32 гирля-

норли бўлади. 5500 та чироғи бор. Уларнинг қуввати 15 ваттдан. 168 метр баландликда

атрофни прожекторлар ёритади. Лойиҳа нархи 125 минг доллар.

Вильнюс шаҳридаги телеминора бу йил латвияликлар учун яна бир қувонч омили бўладиган бўлди. 1980 йилда қурилган бу телеминоранинг баландлиги 326.47 метр.

Республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ кириб келаётган 2000 йил учун янги йил арчаси қилиб мана шу минора ясатилади. Миноранинг бўйи узра 32 жойидан халқалар кийгазилади ва у арча шохлари билан қопланади. Бу катта арчани 5500 та чироқ бежаб туради. Чироқларнинг ҳар бири 1.5 ваттли бўлади.

Минора арчани тиклаш ва безатиш учун 125 минг доллар сарфланади.

ОЙГА УЧИШ - 10 МАРКА!

Германиядаги Шимолий Рейн - Вестфалияда фаолият кўрсатаётган бир давлат фирмаси фаройиб лотерея чиқарди. Баҳоси 10 немис маркаси турадиган бу лотерея ютуқлари орасида бир нечта ютуқ эгасига Ойда бир неча кун саёҳат қилиб келиш имконини беради.

Бу - шунчаси ҳаёлий орзу ёки алдов эмас. Фирма АҚШдаги бир космик агентлик (номи ҳозирча сир сақланмоқда) билан шартнома тузган. Лотереясига Ойга саёҳат ютуғи чиққан миждоз 2002 йилда албатта ойга кўноқ бўлиб қайтади. Йўл-йўлакай гўзал коинот бағрида сайр қилади. Миждознинг Ойга учишга соғлиги йўл бермаса, бу ҳолда у саёҳатнинг пулини олиши ҳам мумкин. Бир саёҳат нархи - тахминан бир миллион немис маркаси!

Дарвоқе, Ойда бир неча кун меҳмон бўлиш дегани, бу ер вақти билан роппароса 2 соат саёҳат дегани! Шу кунларда Германия Федератив Республикасида яна бир нечта давлат фирмалари ҳам космик саёҳатга имтиёз берувчи бошқа йўллари ўзлаштирадилар.



БИРИНЧИ АЛИФБО ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Археологлар дунё илим-фанида янги шов-шувга асос солдилар: АҚШдаги Йельс университетининг икки олими - эрхотин Жон ва Дебора Дарнеллар янги кашфиётини эълон қилдилар. Бу маълумот ҳозиргача дунё ахлини инсоният тарихида алфавит қачон пайдо бўлганлиги ҳақидаги тасаввурини ўзгартириб юборади.

Шу чоққача инсоният алифбо ҳарфлари яқин шарқ мамлакатларида - Фаластин, Сурия, Исроил ва Синнай ярим ороли соҳилларида пайдо бўлган деб ҳисобларди. Ёзма ҳарфларнинг пайдо бўлиши инсоният тараққиётида - тамомил янги даврни бошлаб бергани шубҳасиз. Чунки ҳарфлар белгилари пайдо бўлгунга қадар дунёда расми ёзув, яъни иероглифлардан фойдаланиларди. Иероглиф белгилари бир неча юзлаб, ҳатто мингга яқин шаклдан иборат эди. Ҳар бир расм-ёзув маъносини ўрганиш учун баъзан одамнинг

умри етмасди. Янги пайдо бўлган ҳарфий ёзув эса бор-йўғи

мавжуд алифболарга ҳам ўхшамасди. Бу ёзувдаги белгилар



30-35 та белгидан иборат. Кунти бор одам бу алифбони бир неча соат ичида ўзлаштириб олиши мумкин.

Даниеллар 1993-1994 йилларда Қадимги Мисрнинг савдо йўллари ўтган сахро ва шаҳарларни синчиқлаб кузатиб, Нил дарёсининг чап соҳилида жойлашган худуд - Шоҳлар водийси (Фива ва Аби-дос оралиғи)даги гордан бўрга ёзилган галати ёзувни топиб олдилар. У қадимги иероглифларга ҳам, ҳозирги

ҳали аниқ ўрганилмаган бўлса-да, шуниси аниқки, у - иероглифлардан ҳарфларга ўтиш оралиғидаги ёзув намунаси. Бу ёзувнинг кўпгина белгилари ҳозиргача илм-фан ўтиш даври ёзуви деб ҳисоблайдиган халқ ёзувидаги айрим белгиларга ўхшаб кетади. Аммо олимларнинг таъкидлашларича, бу ёзув халқ ёзувидан 3 минг йил аввал битилган. Ҳа, эрхотин Даниеллар топган Шоҳлар водийсидаги бу ҳарфлар эра миз бошидан 1900-1800 йил

аввал ёзилган. Профессор Кайл Маккартернинг таъкидлашича, бу ҳарфларни семит тилларида гаплашувчи ёлланма меҳнатчилар хунармандлар ва аскарлар ёзган бўлсалар керак. Чунки бу даврда Қадимги Мисрда маданият жуда юксалган, демак, ёзув ҳам янги босқичга кўтарилган эди. Миср бозорига отланган бошқа ерликлар мамлакат худудига яқин жойларда тўхтаб, дам олиб, Миср алифбосини ҳам ўрганишни машқ қилган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Шоҳлар водийсида топилган алифбонинг ҳарфлари А ва Б дан бошланган. Бу алифбонинг ҳамма белгиларини ўрганиб чиқиш олимларнинг вазифаси. У ҳали қанақа янги натижалар беришини келажақ кўрсатади. Аммо бугун биз учун муҳими шуки, алифбо яратилган давр аввал биз билган давримиздан уч аср олдин, яъни уч юз йил олдин юз берган экан.


Умринг яна уч юз йилга узайгани муборак бўлсин, Алифбо!

Болаларга маза дейман-да. Фақат дарс қилишади, ўйнашади. Уларнинг дунёлари самимийликка тўла бўлганлиги учун ҳам ҳайвону, паррандалар, ўсимликлар тезда дўстлашиб оладилар. Кимдир кучукча боқади, кимдир мушукчасига сут беради. Яна кимнингдир ширингина қўзичаси бор. Қушларга ин қуришади. Вой-вой-вой, яна ора-сира капалакларни ҳам тутишади, озда чумчуқларни додини беришади (бу яхши эмас!).

Баъзи болаларнинг жажжигина жўжалари бор. Уларни патчалари юмшоқ, ўзлари сап-сарик, оплоқ момиккина. Бироқ уларни боқиш қийин. Катталар ёрдам беришлари керак. Яна баъзи болалар балиқ боқишни яхши кўришади.

Одатда болаларнинг биринчи аквариуми оддийгина бўлади: ҳовўздан товонбалиқчаларни тутиб олиб, уларни ичига қум солиб ўсимлик ўтказилган, чиганоқ ташланган шиша банкага солиб қўядилар. Қарабсизки, аквариум тайёр. Лекин аквариумни офтобда қолдириш мумкин эмас, агар офтобда қолдирилса, аквариумнинг суви қизиб, ундаги барча товонбалиқчалар нобуд бўлади. Ёки баъзан аквариумга шунчалик кўп нон ушоғи солиб қўйишадик, сув хиралашиб бузилиб қолади. Шунинг учун балиқларни боқишда

БАЛИҚЧАЛАР КОШОНАСИ



аквариум уларнинг "уйча"си эканлигини унутмаслик керак. Балиқчалар бундай уйчада ҳовуз, анҳор, қўлдаги каби эркин яшаши лозим.

Аквариумни печка, иситкичлардан узоқроқ жойга қўйган маъқул, лекин сув ҳарорати 14 даражадан паст бўлса, балиқчалар касалланиб, нобуд бўлишлари мумкин.

Экзотик балиқчалардан қилич-

дум, чуппи, макроподлар аквариум шароитида яхши яшайди. Бу балиқчалар иссиқсевар бўлиб, улар яшайдиган сувнинг ҳарорати 25 даража атрофида бўлиши керак. Бундай балиқчалар яшайдиган аквариум қайтаргичли электр чирроғи билан иситилади. Балиқчаларни аквариумга қўйиб юборишдан олдин уни тайёрлаш лозим.

Аввал аквариум тагига яхшилаб ювилган кумдан 5-6 сочишни қилиб солинг. Сўнг унга ўсимлик ўтказинг. Ўсимлик сувни кислотадга тўлдиради. Аквариумга турли шаклли ва рангли ўсимликлар танланади. Энди унга сув қуясиз. Лекин аквариумингизга балиқчалар ташлашга шошилманг. Идишдаги сув тиниб, ўсимликлар ўзини тутиб олсин.

Товонбалиқча, олтин балиқча ва унинг бошқа турлари кунига бир марта озиқлантирилади.

Уларга яхшиси тирик озиқ - парвона капалак, най ўрагич берган маъқул. Балиқчаларга майда қилиб кесилган гўшт ва жигар бўлакчаларини бериш ҳам мумкин. Уларга озиқни жуда кўп ташламаслик керак. Ортиқча қуруқ озиқ аквариум тубига чўкиб, чирийди ва сувни ифлослантиради. Бордию, сув хираланиб, ифлосланиб кетса нима қилиш керак? Бундай ҳолда аквариумдаги сувдан банка солиб, балиқларни унга кўчирасиз. Банкага фақат аквариум сувидан солинг. Чунки бошқа сув ҳарорати аквариум сувидан паст бўлиши мумкин. Аквариумни тозалаш, янги сув солиб, ҳароратини банкадаги сув билан баробар қилиб, балиқларни "уйчаси"га солинг. Улар яна яйраб, сизни қувонтириб яшнатади.

СЕҲРЛИ ЁҒДУ ТУҲФАСИ

"Дунёни болаларга берайлик, ҳеч бўлмаса бир кунга", деган сатрларни битган эди турк шоири Нозим Хикмат. Шоирлар болаларни шу қадар ардоқлаганда киношунослар, аниқроғи ижодкорларнинг болалар ҳақида қайғурмаслиги мумкин эмас.

Ўзбек миллий киносида кейинги даврда болаларга мўлжалланган бир нечта яхши фильмлар яратилди. Бу фильмлардан энг биринчиси "Тангалик болалар" фильмидир.

Бу фильми томоша қилиб ўтирган киши болаликнинг беғубор оламига хаёлан бўлса-да саёҳат қилади. Болалик дунёсининг энг гўзал ва бетакрор манзаралари, унутилмас ҳолатлар бу фильмда ўз мужассамини топган.

Айниқса, фильмнинг ютуғи ҳақида сўз борганда унда ижро этилган "Кўнглим осмонларга тўлиб бормоқда" деган ажойиб кўшиқни эслаб ўтиш ўрин-

лидир. Бу кўшиқ "Тангалик болалар" фильмига узукка кўз қўйгандай муносиб тушган.

Кейинчалик эса ўзбек кино санъати жонкуярлари бир қатор фильмлар устида ишлаб башладилар. Гарчи бу фильмларнинг ҳаммаси бирдай муваффақиятли чиқмаган бўлса-да, уларни бу йўлдаги илк ва дадил қадамлар сифатида юқори баҳолаш мумкин.

Яқинда эса болалар учун "Кичкина табиб" номли картина яратилди. Сценарийнинг бироз гализлигидан кўз юмиб туриб, фильми "аъло"га баҳолаш мумкин.

Замирида инсоний фазилатларнинг барчаси мужассам бўлган ушбу фильм яхшилик нимаю, ёмонлик нима эканини энг содда усулда, энг содда сўзлар билан тушунтириб беради. Бир-бирига муҳаббатсиз бўлган эр-хотин, ғалати касалликка дучор бўлиб тузалмаётган қиз, бу ҳолат-

лар сабабини тинмай излаётган, уларни бартараф қилиш учун ҳамма нарсага тайёр бўлган давлатманд ота...

Бир қарашда фильм воқеалари, уларнинг бири-бири билан боғликлиги ўзбек халқ эртакларини ёдга солади. Фақат бу эртак замонавий шаклга солинган, яъни бугунги кун учун мослаштирилган. Воқеаларнинг кулги фониди берилиши ҳам томошабин руҳига ажиб бир эркинларни олиб киради, уни бу ажойиб фильм билан ошно қилади.

Фильмда менга ҳаммасидан кўра бир ҳолат манзур бўлди: кичкина табиб қишлоқдан келиб касал ётган қизчанинг бошига қўлчасини теккизиб кўрадю, бирданига тортиб олади. Кейин амакисига "мени бу ердан олиб кетинг" деб ялина бошлайди. Ҳовлидан қочиб чиқиб машинага ўтириб олади. Худди мана шу ҳолат қизча-

нинг касаллиги сирли сабаблар билан алоқадор эканлигини сўзсиз тушунтириб бера олган.

Яна бир гап. Кичкина табиб касал қизчани аллақандай дорилар билан эмас, китоб ўқиб туриб даволайди. У қизалокқа Антуан дик-Сент Экзюперининг "Кичкина шаҳзода" китобидан ўқиб беради. Бу китобнинг эзгулик фазилатлари ҳақидаги, эртак шаклидаги

асар экани ҳаммамизга маълум.

Демак, бундан хулоса келиб чиқадики, бу борада ҳам фильм ижодкорларининг танлаш маҳорати кўринган. Кичкина табиб сиймосини бизни ажойиб кўшиқлари билан мафтун этган Дилшод Каттабеков яратганлиги ва гўзал яратганлиги алоҳида таҳсинга сазовордир.

ГУЛНОЗ.



САНЪАТ МЎЪЖИЗАСИ

Азиз болажонлар! Сиз ҳам гўзал санъат асарларига қизиқасизми? Улардан завқ оласизми, илҳомланасизми? Агар билсангиз мен санъат шайдосиман. Китоб жавонимда кўпгина расми китоблар, хонам деворларида суратлар кўп. Музей, кино уйларига тез-тез бориб тураман. Бугун сизларга Парижнинг машҳур Лувр музейидан Цепера ҳайкали ҳақида гапириб бермоқчиман. Бу асар инсоннинг моҳир қўлари ва буюк истеъдоди билан яратилган энг гўзал ҳамда ажойиб асарлардан бири ҳисобланади.

Олимларнинг фикрича, бу мрамор ҳайкал 2300 йил илгари ажойиб юнон ҳайкалтароши Аче-


сандр (Александр) томонидан яратилган. Узоқ асрлар давомида бу санъат мўъжизаси кишилар кўзидан яширин қолган. 1820 йилга келиб уни Эгей денгизидagi Милос оролида ер тагидан топилган.

Римликлар Венерани баҳор ва боғлар маъбудаси деб билишган. Кейинчалик қадимги юнон маъбудаси Афродитага таққосланиб, муҳаббат ва гўзаллик маъбудаси дейилган. Венера қадимги рим давлатида жуда машҳур бўлган. Одамлар унга сизинишган. Ҳайкалтарошлар, рассомлар доимо уни гўзал, ёш аёл тимсолида тасвирлаб келганлар.


Айни шу Венера маъбудаси-

нинг бошқа ҳайкаллари ҳам бор. Улар ҳам юнон шаҳарлари номи билан аталади. Медицей Венераси, Капитолий Венераси, Таврия Венераси.


Булар ичида энг чиройли ҳайкал деб Милос Венераси танланган. Лекин уни қўлларини топа олишмаган. Мрамор соҳибжамол ўзининг нафис қўлларида катта қалқон ушлаб турган ва кўзгуга тикилгандек унга қараб турган бўлса керак, деб тахмин қилинади. 23 аср аввал яшаб, ижод қилган улғу ижодкорнинг санъат асари ҳозирда ҳам ҳаммани лол қолдиради, Венера ҳайкалининг ниҳоятда ибодати юзи ва ажойиб баданига кўзи тушган ҳар бир гўзалликнинг эзгу қудрати енгилмас ва абадийлигига яна бир бор ишонч билдиради.



Лабиринтга юқоридан кириб, марказга қараб юринг.




Бу шаклда нечта учбурчак мавжуд?









Иккита бир хил чинни идишни топинг.

Қаламларни шундай жойлаштирингки, улар 4 та томонлари тенг булган учбурчак ҳосил қилсин.



Мазкур 5 та суратни ўз жойига қўйиб ҳикоя тузинг.



Агар товар составларини сараловчи ҳар бир йўлга 1тадан вагон қўйган бўлса, унда 4 та вагонни 4 та йўлга жойлашнинг нечта имконияти бор.

10-декабрь куни «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси» қабул қилинганлигининг 51 йиллиги кенг нишонланади. Бу халқаро ҳужжат 30 моддadan иборат бўлиб, унинг 16-25-26 моддалари бевосита болалар ҳақидадир. Айнан шу моддаларда болаларнинг ҳуқуқлари илм олишлари, оналик ва болалик ҳуқуқлари тўғрисида фикр билдирилган.

Шу тариқа XX асрнинг иккинчи ярмига келиб инсон ҳуқуқларининг химоясига бағишланган қонунчилик ривожланди. Бу ҳуқуқлар қаторига:

- тинч яшаш ҳуқуқи,
- соф ва тоза атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи,
- ахборот олиш ҳуқуқи кабилар кирлади.

Украина пойтахти Киевда Леонид Кучманинг мамлакат Президенти лавозимига расман киришиш маросими бўлиб ўтди. Шу тариқа Леонид Кучма

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

иккинчи муддатга Украинанинг Президенти этиб сайланди. Украина МДХ мамлакатларидан бири бўлиб, Европа иттифоқи, ОБСЕ ва НАТОдаги сиёсий жараёнларда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Бу давлат шарқий европадаги йирик мамлакат саналади. Айниқса Украинанинг иқтисодий салоҳияти унинг ҳамдўстликдаги ва умуман жаҳондаги мавқеини тобора мустаҳкамламоқда.

Филиппин пойтахти Манила шаҳрида АСЕАНга аъзо бўлган давлатлар ҳамда Хитой ва Япония ҳукумат раҳбарлари иштирокида анжуман бўлиб ўтди. АСЕАН-бу жанубий-шарқий Осиё давлатларининг иқтисодий ташкилоти бўлиб, 1967 йили қарор топган. Манила анжуманида АСЕАН мамлакатларини қамраб олган молиявий-иқтисодий та-





назулдан чиқиш йўллари муҳокама этилди. Табиийки бу мураккаб муаммоларни ечишди АСЕАН давлатларига қўшни бўлган Хитой, Япония ва Жанубий Кореяга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Филиппин заминидagi учрашувларда Хитой-Индонезия раҳбарларининг ўзаро мулоқати бўлиб ўтди. Бу жуда муҳим ҳолат. Чунки кейинги 30 йилдан кўпроқ вақт мобайнида ҳар икки давлат алоқаларида турғунлик ҳолат юз берган эди.

Грузия томони халқаро терроризмга қарши курашда Россия билан ҳамкорлик қилишини билдирди. Ушбу масаланинг ўта долзарб бўлиб бораётганлиги Шимолий Кавказдаги харбий-сиёсий воқеалар билан чамбарчас боғ-

лиқдир. Ҳозир жанг ҳаракатлари давом этаётган Чеченистоннинг Жанубий Грузия билан чегарадош. Жангарилар моҳоро кўламини кенгайтириш ҳаракатида. Доғистон воқеалари, Москва ва бир нечта шаҳарлардаги портлашлар шундан далолат бермоқда. Демак Грузия ўз чегараларини мустаҳкамлаш орқали миллий ҳавфсизлигини таъминлашга интиломоқда. Айнан шу мақсадда Грузия расмий доиралари Россия билан ҳамкорликни чуқурлаштириш йўлидан бормоқда.

Шохруҳ тайёрлади.



- уйда ёнғин содир бўлиб, оқибатида 30 кв.м. Майдонда ошхона ва унинг жиҳозлари ёнган.

Шу куни Мирзо Улуғбек тумани Қорасу 1 даҳаси 12 уй 28 хонадонда табиий газни ошхонада турган газ плитасига шланг орқали улаш натижасида, хонада тўпланган газ концентрациясини портлаши натижасида ёнғин содир бўлиб

СИЗ ХОДИСАЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЁНҒИНДАН САЎЛАШ БОШҚАРМАСИ ГАЗ АСБОБЛАРИДАН, ЭЛЕКТР ИСИТИШ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЖАРАЁНИДА НИҲОЯТДА ЭҲТИЁТ БЎЛИШИНГИЗНИ ВА ГАЗ ПЛИТАЛАРИДАН



Хар йили ер юзидида минглаб ёнғинлар содир бўлмоқда. Ёнғинлар катта миқдордаги давлат ва халқ мулкани йўқ қилиш билан бирга ёнғинларга бепарқ қараш маъсулиятсизлик натижасида кишиларнинг ҳаёт чироғи бевақт сўнмоқда.

1999 йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида Тошкент шаҳрида 1718 та (1998 йил 2027 та) ёнғин содир бўлиб, моддий зарар 14,5 миллион сўмдан ошиб кетди. Ёнғинларда 50 киши турли даражадаги тан жароҳати олиб, ўнлаб одамлар ҳаётдан кўз юмди, энг ачинарлиси шуки, ёнғинларда 3 нафар бола ҳалок бўлди.

Ўлкамизда кунларнинг совиб бориши ҳамда биринчи қор ёққан кунидеъ айрим бесабр ва бетоқат фуқароларнинг хонадонларида етарли равишда иссиқлик бўлишига қарамай табиий газларни хонадонларни иситиш мақсадида ёниқ қолдиришлари натижасида ёнғинлар содир бўлиб ўтди. Мисол тариқасида 10 ноябрь куни Шайхонтохир тумани Каримова кўчаси 42

В



ЎТ БАЛОСИДАН АСРАКИНЕ

ўтди. Натижада айвоқи, ошхонаси ва уй жиҳозлари 20 кв.м майдонда ёнган. Энг аянчлиси ёнғин оқибатида 1980 йилда туғилган Мамедов Руслан Фередонович 90 фоиз 1,2,3, даражали бутун бадани, 1983 йилда туғилган Мамедов Алирам 15 фоиз 1,2,3 даражали оёқлари куйган холда касалхонага ётқазилдилар.

11 ноябрь куни Хамза тумани Испанская кўчаси 22 уйда электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлиб, оқибатида уйнинг 50 кв.м майдонидида том қисми ва 10 кв.м майдонда шип қопламаси ёнган.

Халқимиз ёнғинни офат, кулфат фалокат, дейишади. Холбуки ҳар бир ёнғин кишиларнинг ўз айби билан содир бўлади. Чунки баъзи бир корхоналарда, маъмурий биноларда, турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминланмаслик, ёнғин назорат бўлими ходимларининг кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаслик, огоҳлантиришларга бепарволик билан қараш натижасида ёнғинлар содир бўлмоқда.

ХУДДИ ШУНДАЙ КЎНГИЛ-

ФОЙДАЛАНИБ ХОНАЛАРНИ ИСИТИШНИ ТАВСИЯ ЭТМАЙДИ.

1999 йилнинг ўтган 11 ойи ичида шаҳримизда 1932 та ёнғин содир бўлиб, кўрилган моддий зарар 1 911 2050 сўмдан ошиб кетди. Ёнғинларда 29 киши ҳалок бўлиб, 55 киши ҳар хил турдаги тан жароҳати олдилар. Шулардан 4 таси болалардир.

9 октябрь куни шаҳримизнинг Акмал Икромов тумани Хужум кўчаси 10 уйда ёнғин содир бўлиб, ёнғин оқибатида 40 кв.м майдонда ошхона ва ошхонанинг том қисми ёнган. Энг ачинарлиси ушбу ёнғинда 2 инсон ҳалок бўлиб, 1 та ёш бола 80 фоизли тан жароҳати олган.

14 ноябрь куни Миробод туманидаги Электр жиҳозлари ишлаб чиқарувчи заводда ҳам ёнғин содир бўлиб, ёнғин оқибатида 300-350 кв.м майдонда томнинг ёғочли панжараси ёнган. Ёнғин сабаби аниқланмоқда.

Ёнғинларнинг асосий сабаблари оловдан эҳтиятсизлик билан фойдаланиш, маст ҳолда сигарета чекиш, носоз электр асбобларидан фойдаланиш, ёш болалар-

нинг олов билан ўйнашлари, чиқинди ва хазонларни ёқиш, газ ва электр асбобларидан фойдаланганда ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасликдир.

Азиз муштарийлар, биз сиз ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги хавфсизлик қоидаларига риоя қилишингизни сўраймиз.

Электр симларини уйнинг ёнувчи қисмларидан махсус қопламалар орқали ўтказишни катталардан сўранг, ёқилган газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг.

Бензин, керосин, бўёқ каби тез ёнувчан моддаларни темир идишларда ва кўздан холи жойларда сақланг. Янги ва қўшимча иморатлар кўриш учун лойиҳаларни махсус назорат хизматлари билан келишган холда тайёрланг.

Газ чиқаётганини сезсангиз хонани шамоллатинг, чироқни ва гугуртни ёқманг, зудлик билан «04» рақами орқали газ хизматига кўнғироқ қилинг. Ёнғин хавфсизлик қоидаларига риоя қилган барча фуқаро ўт балосидан сақланишига ишончимиз комил.

ИИББ Ёнғиндан сақлаш бошқармасининг давлат ёнғин назорати бўлимининг назорати ички хизмат катта лейтенанти Феруза Сағдуллаева.

ҚОВОҚВОЙНИ МАЪНАСИ

Яхшилик ва ёмонликнинг аниқ таърифини биладиган инсонлар - санъаткорлардир. Ижод қилишдек буюк неъмат уларга Оллоҳ томонидан берилган.

Абдусамат Жўраев ҳам бола бўлиб туғилган санъаткорлардандир. Йўқса бола кўнглини топиб, уларнинг дўсти, тенгқури бўлиб, яхшилиги ёмонликни яққол кўрсатиб берган образлари орқали халққа манзур бўлиб келадиган Абдусамат акани ҳамма бирдек тез таний олмасди. 1929 йили Тошкентнинг Эски Жува мавзесида Ёш томошабинлар театри ташкил қилинди. Бу йил театрнинг 70 йиллиги нишонланди. Юбилей баҳона шу жамоада 25 йилдан бери

ижод қилиб келадиган Абдусамат ака билан суҳбатлашиб, *«Сизни болажонларимизга таништиришнинг ҳождати йўқ. Театрдаги «Шум бола» ролингиз ёки «Оқшом эртаклари»даги Қовоқвойни эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя, дедик ва саҳнага илк қадамингиз ҳақида гапириб беринг, - деб сўрадик.*

-Талабалик даврларимда шу театрнинг режиссёри Гуландом Фуломов ва ишга таклиф қилдилар. Мен билан Исмоил Абдуллаев, Ёдгора Зиёмухамедова, Ҳабибулла Абдуллаев, Шамсиқамар Мансуровлар бирга келган эдилар. Шу - шу биргаликда ижод қилиб келаямиз.

1998 йилда Тоғай Му-

роднинг «Отамдан қолган далалар» романи асосида қўйилган спектаклдаги ролим учун «Энг яхши эпизодик роллар учун» мукофоти билан, «Учар табиб» да ўйнаган ролим учун «Энг яхши эркак роли» номли мукофот билан тақдирландим.

Болажонларимизни янги спектакллар билан хушнуд қилиш мақсадида Мольернинг Шароф Бошбеков томонидан ўзбекчалаштирилган «Учар табиб» спектаклини саҳнага қўйдик. «Боз-Масҳарабоз» спектакли ҳам болажонларимиз кўнглини топа олган деб ўйлайман.

Жамоамиз юбилейга «Шум бола», «Ревизор», «Асорат», «Минг бир кеча» спектаклларида умуллаш-

ма сценарий яратдилар.

Қаранг, янги йил ҳам эшик қоқиб келаяпти. Бу даврда «Ўрмон машмашаси» спектаклини кўямиз.

«Болажонларимизга қандай тилаклар билдирардингиз?»

- Авваламбор соғ-саломат бўлишин. Доимо намунали бола бўлиб илм олишин. Театримизга тез-тез келиб туришин,

Сиз ҳам кўтаринки кайфият билан янги ва янги хилма-хил образлар яратиб уларни кутиб олаверинг. Олий унвонингиз-болалар меҳрини қозонганингиздадир. Сизга бу йўлда хормай, толмай меҳнат уйлишлик тилаймиз. Соғлиқ, оилавий хотиржамлик ёр бўлсин.

Юлдуз ЖАМИЛОВА
суҳбатлашди.

Ўзбекистон болалари
ва ўсмирларининг
газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
КЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД
УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ
ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Йўлдош САИДЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Хотам АБДУРАИМОВ,
Далахон ЁҚУБОВ,
Мукаррама МУРОДОВА,
Мирзапўлат
ТОШПЎЛАТОВ,
Музаффар ПИРМАТОВ,
Феруза ОДИЛОВА,
Эргашвой САРИҚОВ,
Баҳодир ХАЙДАРОВ.

Ижарадаги Тошкент
Матбаа комбинатида
офсет усулида 43.351
нускада босилди. Ҳажми
2 босма табоқ.
Буюртма - К-7506
Газетани PENTIUM-II
тихта компьютерида
Абдухамид
АБДУҒАФФОРОВ
саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби № 000137
Манзилимиз
700129,
Тошкент шаҳар,
Навоий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34

САВОЛ

Уч донишманд - Али дониш, Вали дониш ва Соли дониш «Энг донишманд мейман», деб ўзаро тортишиб қолишди. Уларнинг бу баҳсига бир донишманд қўшилиб шундай деди: «Эй, ақлу заковат соҳиблари! Кулоқ солинг, баҳсларингизни мен ҳал қилиб берай», - деб донишмандларга 3 та оқ ва 2 та қора қалпоқни кўрсатди-да, улардан кўзларини юмиб туришларини илтимос қилди ва 3 та оқ қалпоқни уларнинг бошларига кийгизиб, қолган 2 та қора қалпоқни беркитиб қўйди. Шундан

сўнг донишмандлардан кўзларини очиб ўз бошларидаги қалпоқнинг рангини айтиб беришларини сўради. Донишмандлар бир-бирининг бошига тикилиб ўйга толишди. Оқир Соли дониш: «Менинг бошимдаги оқ қалпоқ», - деб, қолган донишмандларни лол қолдирди. Айтинг-чи, Соли дониш қандай қилиб тўғри жавобни топа олган?

Уйга топшимоқ

УЧТА ЧЕЛАК

6,3 ва 7 литрли челақлар берилган. 6 литрли челақда 4 литр, 7 литрли челақда 6 литр, ҳаммаси бўлиб 10 литр сут бор. Бу учта челақ ёрдамида қандай қилиб 5 литр сут қуйиб

ЖАВОБ

Соли дониш кўз ўнгидаги икки оқ қалпоққа қараб туриб қуйидагича фикр қуритган: «Фараз қилайлик, менинг бошимда қора қалпоқ бўлсин. У ҳолда Али дониш битта оқ ва битта қора қалпоққа қараб ўйга толган бўлар эди: «Менинг бошимда қора қалпоқ эмас, чунки унда Вали дониш икки

қора қалпоқни кўриб туриб, бошидаги қалпоқнинг рангини оқ эканлигини тезда топган бўлар эди». Лекин, Али дониш жим. Демак, менинг бошимдаги қалпоқнинг ранги қора эмас, оқ!



ОНА МЕҲРИ

Кечалари ухламай,
Бешик бошидан жилмай,
Йиғласам алла айтиб
Овутган онажоним.

Тетапоя бўлсам ҳам,
Чопқиллаб югурсам ҳам,
Чиннини синдирсам ҳам
Севинган онажоним.

Бемор бўлсам тунлари,
Чора излаб югурган,
Соғайсам қувнаб, қучиб
Қувонган онажоним.

Ҳарф таниб ўқисам,
Устоздан раҳмат олсам,
Эшитганда, кўзлари
Намланган онажоним.

Анвар МҮМИНЖОНОВ,
Пойтахтдаги
22-мактабнинг
7-синф ўқувчиси.

ТОПИШМОҚЧИ СИҒТЛИМ

Олти ёшли сингилчам
Дадамга дер, дадажон,
Топинг-чи бу нимадир,-
Деб сакрай бошлар чаққон.

Бўйнидаги мунчоғи
Шиқирлаб турган чоғи,
Топинг тез, - деб сакрайди.
Чарчаш нима билмайди.

Қиқир-қиқир кулади.
Жилмаяди кайфи чоғ
Дадам ўйланиб дейди:
«Топдим, қизим бу-мунчоқ».

Топдингиз, дада,- дейди
Энди буни ҳам топинг.
Яна сакрай бошлайди
Мунчоғи жириг-жириг.

Шақирлаган сирғадир,
Қизим, топдим буни ҳам
-Йўқ, сирға эмасдир бу
Билмадингиз шуни ҳам.

Иккинчи топшимоғим
Бу-иккинчи мунчоғим.

Мавжуда ЖҶРАЕВА.

